



**САҲИФАЛАРИМИЗДА
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ПРОКУРАТУРА
ИДОРАЛАРИ**

**ЁРИЛГИН ТОШ,
ЁРИЛГИН...**

— БУ ЎТАДИГАН ДУНЁДА
САБР-ТОКАТЛИ БЎЛИНГ.
ШУБҲАСИЗ ЯХШИ КУНЛАРГА
ЕТИШАСИЗ...

**СКАНВОРД,
EURO-2000,
ЛАТИФАЛАР**

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
21-27 июнь, № 24 (140)



МУНОСАБАТ

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига берган жавоблари барчада жуда чуқур таассурот қолдирди. Бу жавобларнинг мазмуни мамлакатимизнинг тараққиёти жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган, барчага тааллуқли бўлган миллий мафкура, миллий ғоя масалаларидан иборат. Чунки, биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат, ижтимоий адолатли фуқаролик жамиятининг ҳам, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишининг пойдевори ҳам, асоси ҳам мафкурага, миллий ғояга бориб тақалади.

тақилликдан сўнг рўй берган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизда ота-онани, яқин қариндошларни, айниқса, кексаларни ва аёлларни қаттиқ ҳурмат қилиш туйғуси кучли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўз навбатида ота-оналар, кексаларнинг олтиндан-да

**ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ,
ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ**

Юртбошимиз ўзининг бу масаладаги фикрларини баён этар экан, миллий мафкура, миллий ғоя ҳар бир фуқаронинг яшаш тарзи, Ватани, халқи олдидаги бурчи, орзу-умиди, иймон-этиқоди, умуман ҳаётининг асл мазмуни эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади», деган сўзлари бу масаланинг канчалик долзарб ва жиддий эканлигини кўрсатиб турибди.

Бу жавобларда миллий мафкура ва миллий ғоямизнинг ҳар бир фу-

қаро онги ва тафаккурида мужассам бўлишида аҳамиятга эга бўлган омиллар тўғрисида аниқ тушунчалар берилган.

Булар қаторида она -Ватан туйғуси, миллий урф-одат, кадрият, аънаналар, ахлоқ-одоб, маданият, маърифат ва маънавият, диний эътиқод, инсоф, иймон тушунчалари кўрсатилган.

Дарҳақиқат, мафкурамизнинг шаклланишида Ватанимиз ва халқимизнинг шонли тарихи, асрлар давомида сайқал топган буюк кадриятлари, инсонни улуғловчи урф-одатлари, аънаналари ҳамда мус-

қиммат панду насиҳатлари тарихий аънава сифатида бу инсоний фазилатлар силсиласини мустаҳкам боғловчи риштадир.

Мана шу хислатлар халқимиз маънавиятининг кўриниши бўлиб, мафкурасини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Зеро, ўз ота-онани, яқин қариндошлари, кексалар ва аёлларни эъоззлайдиган инсон, ўзи тугилиб ўсган она -Ватанини, халқини севади, улар учун жон фидо қилишга ҳам тайёр бўлади, ҳеч қачон Ватанини сотмайди. Узоқ йиллар коммунистик мафкура (Давоми 2-бетла).

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2000 йил 7 июндаги буйруғига асосан **БАРНОЕВ Гафур Латифович** Наманган вилояти прокурори этиб тайинланди.

Гафур Барноев 1957 йилда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган, миллия ўзбек. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1983 йилда Самарқанд Давлат университетини тавомиллаган.

Меҳнат фаолиятини 1983 йил адвокатликдан бошлаган. 1986-1993 йилларда Навоий вилояти Зарафшон шаҳар судининг судьяси, Учкудук шаҳар судининг раиси, Бухоро ва Навоий вилоят судларининг аъзоси вазифаларида ишлаган.

1993-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида масъул вазифаларда ишлаган. 1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси - Ўзбекистон Республикаси Президенти Девон Назорат инспекциясининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси бўлган. 1998 йилдан ҳозиргача Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Президент девони Назорат инспекциясининг раҳбари лавозимида ишлаган.

ҲУҚУҚИЙ ДАВАТ САРИ

**ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА
ҚАРШИ ҚОНУННИ БУЗИШ
БИЛАН КУРАШИБ
БЎЛМАЙДИ**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга буйсунувчи прокурорлар амалга оширади» дейилган. Қонуннинг ушбу моддаси талабига биноан Тошкент вилоят прокуратураси томонидан вилоятдаги қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фуқаролар ва мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишда қонунларга риоя этишининг ахволи ўрганиб чиқилди. Текширишлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексини амалиётда қўллашда ва ҳуқуқбузарликларни кодекс моддаларига мувофиқ малакашда жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилган.


Сўзининг аввалида бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Матбуотда, катта-катта йиғилишларда оддий фуқароларда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгининг етишмаслиги ҳақида кўп гапирилади. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилиши таъкидланади. Ҳақиқатан тўғри эътирозлар. Фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладилар дейишга ҳали эрта. Лекин мен масаланинг бошқа бир жиҳати га ургу бермоқчиман. Яъни, ҳуқуқий маданияти паст, ўзининг ваколати доирасидаги ишларни яхши тушуниб етмайдиган ходимлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ҳам учраб туради. Ана шундай ҳуқуқ «ҳимоячи»ларининг «фидоий»ликлари туйғайли бир қонунбузарлик ортидан иккинчиси содир бўлмоқда.

Масалан, вилоятдаги туман, шаҳар ДАН бўлиналари фаолиятида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини нотўғри малакаш, қонунларда қайд этилган моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби бўлмаган ҳолда фуқароларни ноқонуний тарзда жавобгарликка тортиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартибига риоя этмаслик каби ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, ДАН бўлиналарининг маъмурий амалиёт буйича катта назоратларининг

ҳуқуқбузарликларни нотўғри малакаши ва ишга бўлган лойқадликлари натижасида инсон ҳуқуқлари поймол этилапти. Бу эса ўз навбатида айрим ДАН ходимларининг ҳуқуқий маданияти пастлигидан далолат беради.

Жумладан, Тошкент тумани ДАН бўлинимаси (бошлиғи Б.Корабоев)нинг 1999 йил 15 июндаги қарори билан фуқаро А.Абдураимов 04-80 ТНН рақамли «ВАЗ-2106» автомашинасида светафорнинг қизил чирогига ўтиб кетгани учун МЖКнинг 135-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган ва унга 1400 сўм миқдорда жарима солинган. Ҳолбуки, светафорнинг таъкидловчи ишораларига буйсунмаслик учун жавобгарлик МЖКнинг 128-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ва бу ҳуқуқбузарлик учун жазо сифатида энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима белгиланган. Кодекснинг 135-моддаси 2-қисмида эса транспорт воситаларининг бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришининг топширилиши учун жавобгарлик қўзда тутилган. Мазкур ҳолатда ДАН бўлинимаси ноизири М.Алимов (Давоми 4-бетла).

ГАЛЛА — 2000



Тошкент вилояти туманларида галла ҳосилини қисқа муддатда йиғиштириб олиш учун бутун имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳосилнинг нобадгарчилиқсиз, талон-торожсиз йиғиштириб олинishi прокуратура идораларининг ҳам диққат эътиборида турибди.

Суратда: Бустонлик тумани прокурори Расулжон Жураев назорат ишлари яхши йўлга қўйилишида бошқош бўлмоқда. У тумандаги «Сойлик» ширкатлар ҳужалиги галлакорлари иши билан яқиндан танишмоқда.

М. НУРИНБОЕВ сурати

ПРОКУРАТУРА АРАЛASHУВИДАН СЎНГ

2000 йил 10 май куни Чиноз туман суди «Агротадбиркор» коллежи директори М.Норметова устидан ЖКнинг 148-моддаси 1-қисми ва 232-моддаси билан жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун туман прокуратурасига юборди. Иш нега шу даражага бориб өтди? Келинг, воқеани бир бошидан таҳлил этайлик.

лар бошқа вакиллик органининг олдидан розилиги бўлиши кераклиги белгиланган. Маждовани ишдан бўшатишда эса директор ўзбошимчалик билан иш тутган, яъни касбага уюшмаси кўмитасининг розилигини олмаган.

Нихоят, шу йил 11 апрель куни ушбу фуқаролик иши туман судида қўрилиб, суднинг ҳал қилув қарорида асосан Б.Маждовани ўз ишига тикланди. Суд қарорида қоллининг жорий ҳисобидан бекор орган кунлари учун Б.Маждованига 40464 сўм

Сергели туман мудофаа ишлари бўлими томонидан навбатдаги ҳарбий хизматга қақирилганлиги туфайли дарсларга қатнаша олмаганлиги маълум бўлди. Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий хизмат ва ҳарбий маж-

ҚОНУНГА ҲУРМАТСИЗЛИК

ЎКИ КОЛЛЕЖ ДИРЕКТОРИ НЕГА СУД ҚАРОРИНИ БАЖАРИШДАН БОШ ТОРТДИ?

қонун бузилишига олиб келади.

Директорнинг ҳатоларини қонуний асослаб берамиз. Меҳнат Кодексининг 181-моддасига мурожаат қилайлик. Унга кўра меҳнат интизомини бузганлик учун иш берувчи ходимга ҳайфсан эълон қилишга, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солишга, меҳнат шартномасини бекор қилиш каби интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли. Директор эса ўйламай-нетмай ўз ходимига нисбатан қаттиқ ҳайфсан ва синов муддатга белгилангани, бунақа интизомий жазо чоралари амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган.

МКнинг 101-моддасида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда касбага уюшмаси кўмитаси охи ходим-

МКнинг 102-моддасида иш берувчи шартномани бекор қилиш нияти ҳақида ходимга ёзма равишда имзо чеқтириб огоҳлантириши шартлиги, жумладан, шу модданинг 5-бандида меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракат содир этганлиги муносабати билан бекор қилиниши тўғрисида камда уч кун олдин хабардор қилиши ёки унга мутаносиб компенсация тўлаши лозимлиги қайд этилган бўлса-да, Б.Маждованига ёзма равишда огоҳлантирилмаган ҳам.

Шу Кодекснинг 182-моддаси 2-бандида интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши, маъзур модданинг 7-бандида интизомий жазо берилгани тўғрисида буйруқ ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олиниши лозимлиги белгиланганига қарамай Маждованига интизомий жазо қўлланилганда ундан тушунтириш хати талаб қилинмаган, интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ маълум қилиниб, тилхат олинмаган.

ҳақ ундириш қайд этилди. Шу тариқа адолат қарор топди. Бирок...

Маъзур қарорни ижро қилиш туман судининг катта ижроҳисси Ж.Қобиловага топширилади. Аммо директор М.Норметова суднинг қарорини тан олмай, ҳоқимият вакилининг қонуний талабларини бажариши истамади. Оқибатда суд инсофга келмаган директорга маъмурий тартибда жарима солди.

Ўзини ҳақ деб билган директор опонанинг қайсарлиги, қонунга ҳурматсизлиги шу даражага бориб өтдики, у ҳатто жарима тўлашдан ҳам бош тортди.

Ҳали бу низоли фуқаролик иши охирига өтмасдан туриб туман прокуратурасига яна бир арзнама келиниб тушди. Фуқаро Л.Брусенцова ўз аризасида ўгли Вячеславага коллеж директори М.Норметова томонидан қонуний академик таътил берилганлигини билдириб, ўглининг ўқиниши давом этиришига ёрдам беришни сўрайди.

Маъзур ариза юзасидан текширишда В.Брусенцов Тошкент шаҳри

бурият тўғрисида-ги Қонунининг 21-моддаси 2-бандида фуқаролар ҳарбий рўйхатдан ўтиш, ҳарбий хизматга қақирилиш ёки кириш билан боғлиқ вазифаларни бажариши учун кетадиган зарур вақт давомида ишдан, ўқишдан озод этилиши, иш ва ўқиш жойидаги ўртача ҳақи сақланиб қолиши қайд этилган бўлса-да, М.Норметова 2000 йил 25 апрелда Брусенцовни академик таътилга қақариб юбориш ҳақида буйруқ қақаради.

Маъзур ҳолатга прокуратура аралашуvidан сўнг аниқлик киритилиб, коллеж директори М.Норметованинг юқоридаги асосиз буйруги бекор қилиниди ва у Брусенцовни талабалар сафига қайта тиклаш тўғрисидаги янги буйругига имзо чеқди.

Раҳбар бўлиш, айникса бугунги кунда, осон эмас. Бунинг учун зарур ва оддий инсоний фазилатларга эга бўлиш, шу жумладан, қонун талабларини билиш ва уларни лозим бўлганда тўғри қўллаш олиш керак. Тўрачилик, «менинг айтганим қонун» қабилидаги манманлик замоналари аллақачон ўтди. Тафаккурини, қалбини бундай зарарли ақидалардан тозалай олмаган ҳар қандай амал эгаси биргина ноҳўй ҳаракат билан мисқоллаб толган обрўсидан ажралиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ботир ПУЛАТОВ,

Тошкент вилояти прокуратурининг катта ёрдамчиси

ҚИЛИШ—ҚИДИРИШ

ҚАРИНДОШ ҚОТИНЛАР

Сўнги пайларда пойтахтта иш излаб келаётганлар сони ортаётгани, айникса уларнинг аксарияти ёшлар эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолат ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига катта масъулият ўқлаши табиий. Собаби, бундай ёшларнинг пойтахтта келиб нима иш билан шуғулланаётгани, қерда яшаб, қандай кишилар билан мулоқотда бўлаётганини аниқлаш ўзига яраша муаммоларни келтириб қақармоқда. Негаки, тугилиб ўсган қишлоғидан, ота-она назоратидан йироқда бўлган ёшлар жиноят йўлига кирмайдн, деб ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Асли чириқлик бўлган, ака-синглининг фарзандлари Рашид ва Дониёрлар ҳам Тошкентга пул ишлаш мақсадида келишганди. Улар эрта тонгда бозорда учрашишди. Қариндошларга бир зумда «клиент» ҳам топилди. Иш биттач, жами 1200 сўм пулни олган қариндошлар бозорга қайтиб келишди. Эрталабдан ишлари юришганини ҳам ёддан қақаришмади, албатта. Шу атрофда бўлган дўкондан 2 шиша вино олиб, «пачини ювишди».

Шундан сўнг яна бир киши келиб иш таклиф қилди. Йигитлар ишни якунлашганда қон тушга ақинлашиб қолганди. Улар уйга кетишга қарор қилишди. Чириқ шахрига етиб келишгач, яна вино олиб ичишди. Энди девяри маст бўлган Рашид ва Дониёр шахар боғига йўл олишди. Улар шу ердаги автобекатда суҳбатлашиб туришганида ширақайф Рашид Дониёрга қараб гўлдирди:

- Қариндош, бир иш қиламиз. Хув анави одамни кўрапсанми? Унда аниқ «соқча» бор. Озгина «дўқ» қилсак, улар бизники бўлади.

Мастликда шеригидан қолишмаган Дониёр унинг бу таклифига шу заҳоти рози бўлиб қўя қолди. Улар биргаликда ўша одамнинг изидан тушишди. Шу пайт йўналиш бўйича қатновчи маршрутли такси келиб тўхтади. Йўловчи автомашина ҳайдовчисининг ёнидаги ўриндиққа чиқиб ўтирди. Улжалари кетиб қолаётганини кўрган йигитлар жон ҳолатда таксига қараб югуришди. Улар ҳам орқа ўриндиқларга ўтириб олишгач, нафас ростлашди. Бегона йўловчининг маст аҳволдалигини

кўрган Рашид Дониёрга қараб:

- Менга қара. Сен уни туғруқхона олдидан тушириб қолгин. Мен эса 200 метрлардан кейин тушиб қайтиб келаман, - дея шивирлади.

Белгиланган манзилга етишгач Дониёр ҳайдовчига машинани тўхтатишни буюрди. Машинадан тушиб, унинг олд эшигини очди-да, ҳайдовчига 100 сўм узатиб халиги кишини:

- Тушинг, уйингизга олиб бориб қўяман, - деб машинадан тушириб қолди. Такси жўнаб кетгач эса уни тахминан 200 метрлар масофагача етаклаб борди. Бу вақтда Рашид ҳам келиб қолди. Кўзлари қизарган Рашид нотаниш кишини дўппослай бошлади. Унга Дониёр ҳам қўшилди. Шу орада Рашиднинг оёғи билан қорнига берган зарбасидан йўловчи юзтубан ерга йиқилди.

Энди у ёрдам сўраб бақирар, ўрнидан туришга ҳаракат қиларди. Шу пайт Дониёр ерда ётган тошни олиб бор кучи билан унинг бошига туширди. Йўловчи шу заҳоти ҳушидан кетди. Энди у қимир өтмасди, бошининг чеқасидан қип-қизил қон сизиб, атрофга ёйила бошлади...

Кўзлари қонга тўлган икки жиноятчи бу билан кифояланмай, унинг ёнида бўлган 4075 сўм пулни, ёғидаги туфлисини, шимидаги камарни өчиб олиб воқеа жойидан жуфтани ростлашди.

Олиб борилган малакали тергов натижасида қотиллар Рашид ҳамда Дониёр Саидазимовлар қўлга олинди. Ҳар иккаласи ҳам жиноят содир этганлигини тан олиб, қилмишларидан пушаймон эканликларини айтишди. Аммо энди кеч бўлганди. Уларнинг бу тазарруси марҳум С. Мирзаевни оиласига, фарзандлари бағрига қайтариб бера олмайди. Суд ҳар икки жиноятчига 20 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини белгилади.

Н. ЛАКАЕВ,

Тошкент вилоят прокуратураси тергов бошқармаси бўлим прокурори, 2-даражали юрист



Вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси Муқаллас Ғуломова.



Тошкент вилояти прокуратураси бўлим прокурорлари М.Қосимов ва М.Қан иш устида.

Internet ХАБАРЛАРИ

БОЛГАРИЯ

Яқшанбадан душанбага ўтар кечаси номасълум шахслар Софиядаги «ЛУКОЙЛ - Болгария» фирмаси биносига граната улоқтирдилар. Портлаш содир бўлган пайтда, яъни тунги соат 2 ларда бинода бир неча кўриқчидан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Полициянинг тахминига кўра, бу болгар бозоридаги рус нефть компанияси рақобатчиларининг ёки маҳаллий безориларнинг иши бўлиши мумкин.

УКРАИНА

Ўтган ҳафта Киев прокуратураси томонидан Украина миллий банкининг бир қатор ходимларига нисбатан жиноят иши кўзгатилган. Улар хизмат мавқеидан фойдаланиб, 1997-1998 йилларда валютадан ғайриқонуний равишда фойдаланганликда айбланилди. Парламент комиссияси текшириш ўтказган, банкирларнинг қилмишлари фож бўлиб қолган.

ТОЖИКИСТОН

Душанбада ўтар кечаси Душанбенинг жануби-ғарбий қисмидаги уйлاردан бирининг йўлагига бомба портлади. ИИВнинг наватчи қисмидан хабар беришларича, аҳоли жабрланмаган. Воқеа жойида ҳозир бўлган ИИВ ва хавфсизлик хизмати ходимлари кўшни йўлақлардан яна иккита портловчи қурилмани топиб, зарарсизлантирдилар. Юқори мартабали ходимнинг айтишига қараганда, портлаш пойтахт Душанбадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш мақсадида содир этилган.

РОССИЯ

Душанба кuni Сахалин ороли қирғоқларида катта миқдордаги нефть доғлари аниқланган. Денгиздаги доғнинг юзаси 100 квадрат-километри ташкил қилади. Шу кунларда қора доғ жанубий йўналиш бўйича ҳаракатланмоқда. Ҳозиргача ушбу экологик ҳалокатнинг сабаби ноаниқлигича қилмоқда, негаки, яқин орада ушбу минтақада нефть ташувчи кемаларнинг ҳалокати қайд этилмаган.

ЧОРРАҲА

Эсимда, болаликда ўқитувчимиз «Ёрилтош» номли эртакни ўқиб берган эди-лар. Ўғай онанинг зуғумидан қочиб тош бағрига мангу сингиб кетган қизалоқ ҳақидаги эртак ҳамон қулогим тагида жаранглайди.

ҚОЛДИРИЛГАН КАЛИШЛАР

Қишлоқ эстагида жойлашган насос станциясига бир йигит миниб олган велосипеднинг ўнқир-чўнқирларда силкинишига қарамасдан физиллатиб тушиб келди. Бўғриққан ҳолича велосипедни қулатди-да, навбатчига:

— Сувни тўхтатинглар... — деб қичқирди. — Оқиб кетди... кўшнимизнинг хотини...

Темир-бетон қопланган каналнинг тезоқар суви дарҳол тўхтатилди. Бу каналда биринчи марта одам оқши эмас. Икки - учта ёш бола сув балосининг қурбони бўлган. Лекин кап-катта аёл кишининг оқиб кетиши... Астағфуриллох...

Сув сатхи бироз пасайган учта йигит сува тинди. Улар бақатўна-ру сув ўтларини судрашиб илгарилар, қирғоқ бўйлаб тўпланган қўшиллар, ёш-яланлардан ўн-ўн беш киши улар билан ёнма-ён боришарди. Одамларнинг юз-кўзига ваҳима кўланка солган. Улар анча илгарилаб боришди. Ҳар бир оёкка урилаётган қаттиқ жисмдан сув кечувчилар бир сесканишди. Бироқ купинча булар трактор баллони, эски лаш-лушлар бўлиб чиққанда ҳамма бирдан енгил тортарди. Одамлар орасида оҳ-воҳ қилиб, кўз ёш тўкаётган кайнона келинининг сув остида бирон-бир темир-терсақка илиниб ётганини айтиб, тинмай жаврарди:

— Менгина ўлгур гафлатда қолдим. Мен шўрпешона ўлармидим салгина хушёр турсам...

... Сири кўчган иккита челақни олиб одатдагидек яқиндаги, каналга сувага чиқиб кетаётган келинига кўп ҳам эътибор бермай урчуғини йигираверди. Орадан ярим соатларча ўтди. Беш-ўн дақиқада бориб келса бўларди-ку? Биронтаси билан «дардлашиб» қолгандир-да, келини тушмагур. Вақт эса ўтиб борарди. Юрагига ваҳима оралади. Тавба... Урчуғини йиғиштириб, оғриётган оёғини авайлаб босганча ариқ томонга юрди. ...Йўл-йўлақай қўшиллар билан паршон саломлашди. Йўқ, келини кўринмайди. Кўча охираб ариқ тамон бурилди. Узоқдан сарғайиб сири кўчган челақлар кўринди. Юраги ҳаприқди. Қаерга гўм бўлди экан? Пастроқда кўл-оёғини юваётгандир... Келинини чақирди. Жимжитлик. Шошилироқ илдамлади. Челақлар ёнида келинининг эски калишларини кўриб кичиқриб юборди:

— Вой шўрим... Ўзини сувага ташлабди... Оқиб кетибди...

Уша кунни келини топилмади. Ҳаманинг кўнглида умид уйғонди. Кечга томон хўмрайган куёв йигит йиғлаёвериб кўзлари шишиб кетган катта қизи дамбаб келган чойни ҳам ичмасдан хотинининг қишлоғига жўнади...

УЛФАТЧИЛИҚДА

Унинг уйланганига ўн беш йилча бўлди. Катта қизи саккизинчи синфда ўқийди. Кичик ўғли икки ёшда. Тўрт нафар фарзанди бор. Не-не орзулари бор эди, эхе-е... Бундай олиб қаралганда оиласи тўппа-тўзук эди, шекилли. Отаси раҳматли тўлпордек «ноль опти» олиб бериб кетган, уй-жойи ҳам тузуккина... Лекин йигит анча «эрқароқ» ўсган. Кўча-қўйда ҳам номи чиққан, тўй-ҳашамларда мушталлашиб турарди. Ичкиликка ружу қўйганлиги унинг

гуноҳи ҳам, бахтсизлиги ҳам эди. Маст ҳолда келиб хотинини аямай урарди, бўралаб сўкарди. Нега? Хотини алвастидай кўринади кўзига. Хотини чидолмай уч-тўрт марта кетиб қолди. Ҳар гал қайнона олиб келиб қўйиб кетарди. Отасининг ўлимидан кейин топиш-тутишининг мазаси қочди. Оиладан барака кўтарилди. Хотини ҳовлида қорайиб ишларди. Тўғриси, рўзғор юмушларида ўзини уёқдан-буёққа урган завжасининг заҳматларини у тасаввур ҳам қилолмасди. У ўзини «кўча одами» деб ҳисобларди. «Йигитнинг ризқи-кўчада» маталини у лозим бўлганда қойиллатиб рўжақ қиларди. Улфатчилик, базмлар эса авжига давом этар, уйда эса ейиш-ичишининг тағи кўриниб қолди. Ноилоҳ «ноль опти»ни тракторга алмаштарди. Нимандир чамалади,

онасини соғиниб хархаша қиларди. Энди эса кўниқди. Кўниқди-ю, ичкиканидан касалманд бўлиб ўзини. Қўшини холанинг айтишича, ўзининг анча бўйи етилиб қолибди. Бу йил ўн олтига кирди. Эҳ, қанийди, меҳрибон онажониси ёнида бўлганида... Қаерларда экан? Тирикмикан? Ҳеч бўлмаса қабрини кўрса ҳам майли эди. Қабрини кўчқоқлаб, йиғлаб-йиғлаб дардини айтиб келарди... Учта укаси етимдай катта бўлишяпти. Тавба... Онасининг қандай кўзи қийди экан-а? Ахир, она учун энг муҳими фарзанд деб айтишди-ку? Онаси эса уларни ташлаб... Ўғай онаси... и-м-м... Шунчалик ҳам бемехр одам бўлар экан-да. Бўйи этан киз ўғай онага бало-қазодек кўринади, шекилли. Уёққа ўтса ҳам бир чимдим, бу ёққа ўтса ҳам бир чимдим. Қайси кунни укасининг қулғони бураб, молхонага қамаб қўйди. Чидолмади, хўнграб йиғлаб юборди. Дадаси эса ишдан кеч келади. Энаси ҳам қариб қолган. Ўғай онасини қандай чақирини билмайди. «Чеча» десинми? Қанақасига? Уни ҳеч тиндирмайди. Ҳар ишдан бир

ки, она деган болаларини ўз ихтиёри билан ташлаб кета олса? Юрагинининг кўри биз эмасми?

...Хали келсангиз кўчқоқлаб оламан-да, қўйиб юбормай тураверман. Тўйиб-тўйиб қидлайман...

Бечора қиз ўлгайиб қолганини ҳам унутди шу дамда. Ўғай онаси-дан яшириб ёзган хатини бироз ўқишини истамас эди. Кўз ёшлари қоршиб кетгани ёмон бўлди-да. Қиз хатни икки қават конвертга солди. Унинг устидан қават-қават қизил чок билан тикиб ташлади.

ЯНА БАҲОР ҚАЙТАРМИКАН?

Ўша кунни жуда тўйиб кетди. Ҳаммасидан! Фарзандларим кўзига кўринмади ҳисоб. Туни билан йиғлаб қичди. Эрталаб эри сўқиниб ишга кетди. Ҳовлида гимирлаб у-б-ишни қилди. Пақирларини кўтариб сувага юрди. Устида эски штапель қўйлақ, бошида ўнқикан рўмол, оёқларида калиш. Ўлсин, ҳеч ёлчимади-да. Ариққа томон борар экан, кўзларидан ёш томчилади. Челақни қўйиб ариқ бўйида бироз ўтирди. Кетади! Боши оққан томонга кетади. Худонинг марҳамати кенг... Бир кунини кўриб кетар, зора сал ёруғлик кўрса? Калишлари шаллоплаб жонга тегди. Ениб челақлар ёнида қолдирди-да, ариқ бўйлаб асфальт йўлга қичди. Ялангоёқ ҳолда йўлда йиғлаб турар экан, худого илтижолар қилди. Катта трассада машиналар ўтиб турарди... Мана, узоқдан юк машинаси кўринди. Қўлини хил кўтарди. Машина ўтиб кетиб, узоқроқда тўхтади. У иккилаиб машинага яқинлашди. Шюфёр эгилиб эшикни очди-да, чиқишини



ЁРИЛГИН, ТОШ, ЁРИЛГИН...

албатта. Трактор бир баллони тешиқлиб ҳовлида уч-тўрт ой ётди. Кейин у ҳам сотилди. Янги телевизион, видеомагнитофон олди. Уларнинг харид қилгунча пулларнинг ярмини чойхоналарда сарфлади. Хуллас, рўзғор «қучиб» борди. Уша кунни кечаси уйига яна маст ҳолда келди. Дийдосини бошлаган хотинини боғлади. У бикинини ушлаганча кириб кетди. Эрталаб... Эрталаб эрталоқ уйғотмаган хотинини сўққанча, «хумдай боши» оғриганча ишга жўнади. Кун оққанда уни ишхонадан айтиб келишди. Хотини чўкиб ўлганмиш... Қизик, пақир бор, калиш бор, хотини дамдаракис... Қани хотинининг қишлоғини кўриб келсин-чи, зора...

МЕНГА ШАФҚАТ ҚИЛИНГ, ОДАМЛАР!!!

Қизгина... Онасининг йўқолиганига ҳам уч йил бўлди. Қинида даласи уйланди. Бечора беш ёшли укасига ҳалидан шунча қўруғлик. Ундан бир қадам ҳам ажралмайди. Боғланиб қолган. Дастлабки йили жуда қийин бўлди. Ҳар кунни, ҳар кечаси

камчилик топади. Нима қилса экан? Укаларини олиб кетади. Ўзи катта қилади. Бу йил тўққизини битирса мактабни ташлайди. Ўғай онаси шундай деб айтаяпти. Бир зумгина дардлар унутиладиган мактабни, ўртоқларини, сирдош дўғнаси Нилуни энди кўролмайди? Анувини-чи... Қизнинг нафаси ичига тўлиб кетди. Кеча ўғай онаси супургининг банди билан урган жойи зикрларди. Онаси бўлганда қандай яхши эди-я. Оғинам... Сизни шундай соғиндимки...

Қизгина кеча онасига ёзган хатини эслади.

«...Онажон! Сизни шундай соғиндимки... Кеча кичкинантиг Анвар кўчадан йиғлаб келди. Қўшини болалар урибди. Ўғай онам унинг йиғлаётганини кўриб баттар дўппослаб кетди. Кеча қўлимни кўйдириб олдим... Ҳеч ким эълтиб бормади. Сиз бўлганингизда эди... Ҳар кеча ёстигимни хўл қилиб йиғлаб чиқаман. Сиз-чи? Сиз ахир хафа бўлган, куйган бўлсангиз дадамдан хафа бўлгансиз-ку? Бизларда нима айб? Айбимиз тугилганимизми? Наҳот-

кутиб турди. Сўнг «йўл бўлсин синглим» - деб сўради хайратланиб.

Онаси яшайдиган қишлоқнинг номини айтди. Машина жойидан силжи. Машинада кетар экан, яна йиғлаб олди. Шюфёр аҳволни тушунди, шекилли:

— Бу ўтадиган дунёда сабр-тоқатли бўлинг. Шубҳасиз яхши кунларга етишасиз, — деб қўйди.

У шюфёрга кўз ёшлари орасидан қаради. Қирқ ёшлардаги одам. Шюфёр нима бўлганини (агар сир бўлмаса) айтишини сўради. Тўлиб турганлиги учун аввал бир учини, кейин ҳамма гапни тўкиб солди. Шюфёр раҳми келиб тинглади, юпатди. Кейин ўзининг ҳам бахтсиз эканлигини, хотини беватқ қоз қилганлигини, хўп деса бирга олиб кетишини, унга бир мусулмон инсондай муомала қилишини айтди. Жаъоби-га у йиғлади. Болаларини йўлаб юраги ачишди. Онасиникига борганда ҳам сизгармиди?


Улар шу кетганларича олис Бухорога йўл олишди...

А.МУСТАҒОҚУЛОВ.
Сирдарё вилояти

РЕКЛАМА

КОГОНЁР-ЭКСТРАКЦИЯ

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ



- АҲОЛИГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТОЗАЛАНГАН ПАХТА ЁҒИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
- БУ МАҲСУЛОТ 1 ЛИТРЛИ ЕЛИМ ИДИШЛАРДА ҚАДОҚЛАНГАН.
- ШУНИНГДЕК, КОРХОНАДА ХЎЖАЛИК СОВУНИ ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.
- МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИ ЧАКАНА ВА УЛГУРЖИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

**ДАСТУРХОНИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА,
РЎЗҒОРИНГИЗГА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ**

СКАНВОРА

«Уткан кунлар» А.Кодирий	Фолбин	Қариндош	Қиёқ	Пул	↓	Хайвон Урмон	↓	Давлат Америка	↓
↓	↓	↓	↓	↓	↓	... ва шам	↓	Мадраса	↓
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Қариндош	→			Маданият	→				
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Халифа		Автоулов		Спиртли ичимлик	↓	Хўрак		Давлат	Йил
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Езувчи Юнон	Дурадгор		Шакл Хандаса	→				Сув хавзаси Ўзбекистон	
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Пойтахт Иордания	→					Туя	→		
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Жароҳат		Кулги устаси	↓	Шаҳар Япония	↓	Муסיқа асбоби	→		Тутқун
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Бемани гап	Сулола Иллюзия	Дарё Шаркий Сибирь	→			Х.Нўмонов А.Шорашмедов асари	↓	Брюс... Эл қарши- лиги бирлиги	Яқин қариндош
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Автоном Респуб. Россия	→			Бахт	→				
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
Моллар		Касаллик Кулоқ	→					Муסיқа нотаси	→
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
				Бастакор Франция	→				

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

Эшик: 1. Ватан. 4. Самум. 6. Артур. 7. «Лонро». 10. Нота. 13. Ота. 14. Ато. 15. Ресторан. 19. Наф. 20. Нур. 22. «ОМО». 23. Ишк. 24. Рига. 25. Кудук. 28. Форум. 30. Агтор. 31. Ливан.
Бўйиғ: 2. Акр. 3. Нор. 4. Сил. 5. Умр. 6. Ашбор. 8. Офтоб. 9. Барчиной. 10. Нос. 11. Аср. 12. Мандарин. 16. Ифор. 17. Анча. 18. Солик. 21. Иклим. 26. Уят. 27. Қор. 28. Фил. 29. Ука.

Кутловлар

Суюкли қизимиз Гулчеҳра Нурулла қизи!
Азиз куёвимиз Раҳим Турди ўғли!

Таваллуд айёмингиз билан кутлаймиз. Ҳаётингиз олам-олам шодликларга тўлсин. Неки эзгу орзуларингиз бўлса, барига етинг. Қўша қариб, фарзандларингиз Гулбаҳор, Рустамжонларнинг камолини кўринг. Яратган эгамдан умрингизни зиёда, тани-жонингизни соғ қилишини астойдил сўраб қоламиз.

Укаларингиз Дониёр, Дилшод, онангиз Шоҳида опа ва отангиз Нурулла Саифназаровлар. Тошкент шаҳри

Азиз жияним Муминов Мурод Мухсин ўғли!

Муборак 11 ёшингиз кутлуг бўлсин. Аллоҳ ҳақиша тари-жонингни соғ, умрингни узоқ қилсин. Нонинг улуг, умринг файзу баракага тўлик бўлсин. Юртимиз ифтихори бўлган баркамол, етук инсон бўлиб етишувингга тилақдошимиз. Камоли иштиёқинг билан яшаётган

отанг Мухсин, онанг Барчиной, амманг Салимаҳон.

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

ҚИРҚ БЕШ ЁШЛИ ҚУЁН

Автобус бекатида ғирт маст киши симёғочга суяниб турибди. Бошқа бир маст унинг олдига келиб сўрапти:

- Нима қиялсан бу ерда?
- Автобус кутялман.
- Жиннимасан, ким сени бундай узун ёғоч билан автобусга қўяди?

Темирўйл перрониди маст бир йигит қотиб-қотиб, думалаб-думалаб куляпти. «Тез ёрдам» чақиришди. Йигит уларга тушунтирмакда:

- Йигитлар, мени армияга кузатгани эллик киши чиқишганди, улар армияга кетишди, мен эса қолдим...

Балчиқда йиқилиб ётган маст шу атрофдан ўтиб кетаётган аёлга қараб бақирди:

- Узинг чўчқасан!
- Мен сизга «чўчка» демасангиз-ку?!
- Демасангиз ҳам ўйладингиз-да!

Милиционер ҳайвонот боғида юрган маст йигитни тўхтаб сўради:

- Ичдингми?
- Йўқ.
- Текшириб кўрамиз ҳозир. Анави қафаснинг ичидаги қанақа ҳайвон?

— Кенгуруни кўрсатиб сўради милиционер.
Йигит ҳайвонга анча вақт тикилиб тургач деди:
— Қуён. 40-45 ёшларда...

- Сенинг уйингда ким хўжайин, сенми, хотинингми?
- Албатта, мен хўжайинман!
- Унда нимага ичган пайларингда кўчада ухлайсан?
- Хўжайинманми, қаерда хоҳласам, ўша жойда ухлайман-да!

EURO-2000

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Туркия терма жамоасининг чорак финалга чиқиши кутилмаган эди. Бельгия-Туркия ўйинида майдон эгалари ҳеч бўлмаганда дурангга эришганда ҳам «В» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаб, курашни давом эттириши мумкин эди. Бироқ шу кун улардан омад юз ўғирди деса бўлади. Уйин 2:0 ҳисобида Туркия терма жамоаси фойдасига ҳал бўлди. Шу кун «В» гуруҳида яна бир ўйин ўтказилди. Унда италиялик футболчилар Швеция терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Футбол мухлислари учун EURO - 2000да шу кунгача бўлиб ўтган барча ўйинлар натижаларини маълум қиламиз.

- Бельгия - Швеция 1:0
 - Туркия - Италия 1:2
 - Франция - Дания 3:0
 - Голландия - Чехия 1:0
 - Германия - Руминия 1:1
 - Португалия - Англия 3:2
 - Испания - Норвегия 0:1
 - Югославия - Словения 3:3
 - Бельгия - Италия 0:2
- Швеция - Туркия 0:0
 - Чехия - Франция 1:2
 - Голландия - Дания 3:0
 - Руминия - Португалия 0:1
 - Англия - Германия 1:0
 - Словения - Испания 1:2
 - Норвегия - Югославия 0:1
 - Бельгия - Туркия 0:2
 - Италия - Швеция 2:1

«А»

	У	Ю	Д	М	О	Т
1 Португалия	2	2	-	-	6	4-2
2 Англия	2	1	-	1	3	3-3
3 Руминия	2	-	1	1	1	1-2
4 Германия	2	-	1	1	1	1-2

«В»

	У	Ю	Д	М	О	Т
1 Италия	3	3	-	-	9	6:2
2 Туркия	3	1	1	1	4	3:2
3 Бельгия	3	1	-	2	3	1:4
4 Швеция	3	-	1	2	1	1:3

«С»

	У	Ю	Д	М	О	Т
1 Югославия	2	1	1	-	4	4-3
2 Испания	2	1	-	1	3	2:2
3 Норвегия	2	1	-	1	3	1:1
4 Слования	2	-	1	1	1	3-4

«Д»

	У	Ю	Д	М	О	Т
1 Франция	2	2	-	-	6	5:1
2 Голландия	2	2	-	-	6	4:0
3 Чехия	2	-	-	2	0	1:3
4 Дания	2	-	-	2	0	0:6

ҚУВОНЧ ВА ҚАЙҒУ ЁНМА - ЁН

Жаҳон чемпионларининг галабаси билан тугаган Франция - Чехия матчида сўнг французлар бош мураббийи Роже Лемерр дарҳол ўз автомобилга ўтириб Шербур шаҳрига жўнаб кетди. Бу ерда унинг бемор отаси ўлим тўшағида ётарди. Лемерр отасини тирик кўришга умид қиларди, бироқ... Морис Лемеррнинг аҳоли оғирлашгани боис уни Кан шаҳридаги касалхонага олиб кетишган эди. Бош мураббий бу ерга кеч етиб келди. Жумадан шанбага ўтар кечаси 87 ёшли катта Лемерр вафот этди. Бошига оғир мусибат тушганига қарамай Роже Лемерр Франция терма жамоаси базаси жойлашган Жевалга қайтиб келди ва ўз вазифасини бажаришда давом этмокда.

ДЕТЕКТАРИДА

26 ИЮНЬ

1953 йил. Ўзини соҳибқудрат деб билган Лаврентий Берия қамоққа олинган кун. Кремлда ҳокимият учун кураш ҳал қилувчи нукта-мига етди. Бу курашда Хрушчев, Маленков, Булганин гуруҳининг қўли баланд келади. Берияни қўлга олиш гуруҳида генераллар Москаленко, Батицкий, Баксов, полковник Зуб, подполковник Юферов кирди. Берияни қамоққа олишда иштирок этишга ҳаммамнинг ҳам юраги дов беравермаган. Ҳал қилувчи пайтда генерал - лейтенантлардан бирининг асаблари дош бермайди ва у қамоққа олишда қатнашмадан четлаштирилади. Операцияга маршал Жуков раҳбарлик қилади. Берия қандай қилиб қамоққа олингани ҳақида «Берия шон-шавкатининг таназзули» номли китобда Никита Хрушчев шундай ҳикоя қилади:

«Маленков Жуковга қараб, мулоимлик билан:
- СССР Министрлар Советининг раиси Берияни ушлашингизни таклиф қиламан, - деди.
Жуков Берияга қарата буйруқ берди:
- Қўлингиз кўтар!
Москаленко ва бошқалар Берия бир балони бошламасин деб курашларини чикардилар. Берия орқасидаги дераза тоқчасида ётган портфелига ташланди. Мен портфелда курул бўлса, ундан фойдаланмасин деб. Берияни қўлидан тутиб қолдим. Сўнг, текширилиб қўрилганда, портфелдан ҳам, унинг ёнидан ҳам курул чиқмади.
Берия шу захоти хибсга олиниб, Маленков хонаси билан ёнма-ён бўлган Министрлар Совети биносига жойлаштирилди.»

Навоий вилояти прокуратураси жамоаси жазони ўташ жойларида қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурор, адлия кичик маслаҳатчиси Акмал Ҳамроқуловга падари бузруқворини

Ҳамроқулов Ҳасан бобонинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.